саодати ҳақида қайғурсин, унинг (*Уттегиннинг*) буйруғини хотини ўзига қонун деб ҳисоблаб, амал қилсин, токи зодагон аёл зодагон эр тутгани каби. [16-22] Келажақда агар *Уттегин Чатанинг* рухсатисиз бошқа хотин олса, ёки чўри ва ё (бошқа) шунга ўхшаш аёлни олса, бордию бу ҳол *Чатага* номаъкул бўлса, у ҳолда эр бўлмиш *Уттегин Чатага* 30 драхм динорий, яхши сақланган тоза (кумуш) пул беради. [9;13-б.] Шундан кейин бундай хотинни (*Чатани*) на хотин сифатида, на чўри сифатида, уни қўйиб юборсин.[3;38-б.] (22-V2) Агарда келажақда *Уттегин Чатани* хотин қилмайман деган қарорга келса, у ҳолда уни қўйиб юборсин, (лекин унга) озиқ-овқат берсин, (бирга ҳаётлари вақтида) олган нарсалари билан ҳамда товон пули билан шартларсиз уни жўнатиб юборсин. Шунда у *Чатага* бошқа (ҳеч нарса) товондор бўлиб қолмайди ва тўламайди. Ва шундан кейин у ўзига ёқсан аёлга уйлана олади.[14;144-149-б.] (2-9) Агар *Чата Уттегинга* бундан буён хотин бўлмаслик қарорига келса, унда хотинликдан чиқиб кетсин. Бу ҳолда у *Уттегинга* кийишга яроқли кийимлар қолдирсин. (Тунда) *Уттегиндан* олган безак тақинчоқларни (ва бошқа) нарсаларни ташлаб кетсин. *Чата* ўзига тегишли ва биргаликдаги ҳаёти давомида орттирган мулкини олиб кетсин. [9;13-б.] Ва у бошқа (ҳеч нарсага) товондор бўлмасин, тўламасин. Шундан кейин *Чата* ўзи хоҳлаган эркакни ўзига эр қилиши мумкин. (9-11) Агар *Уттегин* жиноят қилса (ажримдан сўнг) жиноят қилса бунинг учун унинг ўзи жавобгар бўлсин ва ўзи товондор бўлсин. (11-13) Агар *Уттегин* кимнингдир қуллигига тушиб қолса, қарз бадалига қул бўлса, асирикка тушса, бирон кимнинг ҳомийлиги остида мулкка айланса, у ҳолда *Чата* ўзидан бунёд бўлган авлоди билан бирга ҳеч қандай мажбуриятсиз озод қилинмоғи лозим. (13-14) Агар *Чата* жиноят қилса, бунга унинг ўзи жавобгар бўлсин, ўзи товондор бўлсин. (14-17) Агар у кимнингдир қулига айланса, қарз бадалига қул бўлса, асирикка тушса, кимнингдир ҳимоятига туширилган мулк ҳолатига тушса, бу ҳолда *Уттегин* ўзидан бунёд бўлган авлоди билан бирга ҳеч қандай мажбуриятсиз озод қилинмоғи лозим. Шундай қилиб бири бошқасининг жинояти учун жавоб бермайди ва товон тўламайди. (17-19) Бу никоҳ битими – қонунлар уйида, унинг бошлиғи *Вахгўкон Вархуман* ўғли хузурида тузилди. (19-20) Бу ерда гувоҳ сифатида *Скатч Шишич* ўғли, *Чаҳрен Ромич* ўғли, *Шав Махак* ўғли бор эди. (20-21) *Ромтиши Вгашфарн* ўғли томонидан ёзилди. *Уттегин ва Чата(лар)нинг никоҳ битими*". [3;37-38-б.]

Nov. 3 рақами хужжатнинг биринчи ношири В.А.Лившиц уларнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда никоҳ шартномасида кўрсатилган томонларнинг ўзаро мажбуриятларига тааллуқли бўлган жиҳатларини ажратиб берган. [16;111-112-б.] Улар қўйидагилар: 1). Сана, кириш формуласи ва томонларнинг биргаликда яшаш шартлари (Nov. 3. R. 1-8); [14;145-б.] 2). Биргалик яшаш шартлари: эрнинг мажбуриятлари (Nov. 3. R. 8-12); 3). Биргаликда яшаш шартлари: хотиннинг мажбуриятлари (Nov. 3. R. 12-16); 4). Эрнинг хотини олдида биргаликда яшаш шартларининг бузилиши учун жавобгарлиги (Nov. 3. R. 16-22); 5). Эрнинг ташаббуси билан никоҳнинг бекор қилиниши ва мазкур ҳолатда хотиннинг мулкий таъминланиши ҳамда эрнинг бошқа аёлга уйланиши ҳуқуқи (Nov. 3. R. 22, V. 2); 6). Хотиннинг ташаббуси билан никоҳнинг бекор қилиниши ва унинг ушбу ҳолатда мулкий таъминланиши ҳамда янги турмуш қуриш ҳуқуқи (Nov. 3. V. 2-9); 7). Никоҳ бекор қилингандан сўнг хотин ва унинг фарзандлари эри томонидан амалга оширилган жиноят ва унинг қулликка тушиб қолишидан озодлиги (Nov. 3. V. 9-13); 8). Никоҳ бекор қилингандан сўнг эр ва унинг фарзандлари хотини қилган жиноят ёки

қулликка ўтишдаги бошқа жавобгарликлардан озодлиги (Nov. 3. V. 13-16); 9). Никоҳ бекор қилингандан сўнг томонларнинг бири бошқасининг тақдирига жавобгарликтан озодлиги (Nov. 3. V. 16-17); 10). Шартнома тузилган жой, шартномани тузишдаги масъул шахслар, гувоҳлар ва хаттот (Nov. 3. V. 17-21). [17;25-26-б.]

Nov. 3. рақамли ҳужжат матнидан маълум бўладики, ушбу ҳужжат иккала томоннинг никоҳ қуришдан олдинги оиласи муносабатларининг юридик асослари ҳисобланади ва ушбу ҳужжат кўпроқ аёлга имтиёзли ҳолатда эканлиги кўзга ташланади. Ҳужжат таҳлили уни сосонийлар даврига оид Эронда тузилган никоҳ муносабатларига доир ҳужжатга ўхшашлигини кўрсатади. Иккала минтаقا ўртасидаги никоҳ бир-бирига ўхшаш бўлиб, жамиятдаги муайян мулкий, ижтимоий, мафкуравий қаравалар таъсиридаги фарқлар кўзга ташланади. Шунингдек, ҳужжатда илк ўрта асрлардаги ҳуқуқий масалалар ҳам кўзга ташланади. Масалан, ҳужжатда “(6-12) Чернинг ўзи ҳимоятидаги (бу аёлни) ақоидга мувофиқ шундай шартга биноан бахш этди. Уттегин ва Чатани севикли хотин сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан озиқ-овқати, кийим-кечаги, безак тақинчоқлари билан таъминлаган ҳолда, эъзозлаб, муҳаббат билан ўз уйида подшоҳийм хотин сифатида сақласин. [13;74-б.] – токи зодагон (насабли) эркак зодагон (насабли) аёлни хотин тутгани каби” деб келтирилиши расмий никоҳдаги аёлнинг ўзида муайян ҳуқуқларни сақлаб қолишига ишора ҳисобланади.[14;144-149-б.] Қолаверса, қонуний, “тўла ҳуқуқли” азат хотини эри билан тенг ҳолда юридик жавобгар шахс сифатида қаралган. Эри фақатгина “тўла ҳуқуқли” хотинининг розилиги билан қўшимча турмуш қура олган. Шу билан бирга эри – азат, оила бошлиғи (*kt-a*) оила аъзолари ва уруғи устидан тўла ҳуқуқли ҳукмдор ҳисобланиб, ўзининг “тўла ҳуқуқли” хотини ва болаларини қул қилиб сотишгача ҳақ-ҳуқуқи бор эди.[13;73-б.]

**Муҳокама ва таҳлиллар.** Илк ўрта асрларда Суғддаги никоҳ муносабатларининг туб моҳиятини тушунишда ҳужжатнинг иккинчи қисми Nov. 4. – куёвнинг келин ва унинг яқинлари олдидаги мажбуриятларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳужжатни ўзбек тилига таржима қилган суғдшунос М.Исҳоқов уни қуидагича ўғирган: - “(1-5) Тархун подшолигининг X йилидир. *Масвуғич* ойининг Осмонруч куни. Лақаби *Нидон* бўлмиш *Уттегин* Қийшиқ ўғлидан Навекат ҳокими *Чер Вағзанак* ўғлига ва унинг (Чернинг) ўғилларига, уруғ-аймоқларига, (5-7) Мен жаноб, сендан лақаби *Чата* бўлмиш *Дуғдунчани* *Вийус* қизини хотинликка олдим. (7-12) Сўнгра сенга, *Чер*, мен шундай арз қилдим ва вайда бердим: шу бугундан иборат келгусида тоабад *Чата* менга хотин бўлиб қолажак ва жаноб, сенинг қаршингда ҳамда худо Митра гувоҳлигига ҳам бермайман, бирор кимсанинг ҳомийлигидаги ўз мулкига айланишига ҳам (йўл қўймайман). (12-15) Ва, агар кимдир уни мендан бевосита ёки сиртдан тортиб олса, уни таҳқирласа, у ҳолда мен шу заҳотиёқ ҳеч қандай зиён-заҳматсиз озод қиласан. (15-18) Борди-ю агар *Чата* мен билан қолишини ихтиёр қиласа, ёки мен ўзим уни қўйиб юборсам, уни сенга ва сенинг ўғилларингга ҳамда уруғ-ужутингга соғлом, зиён-заҳматсиз етказиб бераман, топшираман. (18-22) Агар уни зиён-саҳматсиз етказиб бермасам, у ҳолда 100 динорий драҳм, кумуш муомалада амал қилиши тасдиқланган хилидан, яхши сақланган (тоза сифатли) пул қарз бўламан, (қарзни) узаман ва сенга тўлайман. (22-V1) Шу пулни сенга тўламасам, у ҳолда 10 драхмига 2 драхмдан пеня эвазига қарз сифатида сақлайман. (1-9) *Уттегин* ўғиллари ва

уруғ-ужути билан Чернинг ўзига ва ўғилларига шу шарт ва 100 драхм юзасидан лақаби *Нивудак* бўлмиш *Нипак* Вурз ўғлини жавобгар сифатида тайин этди.[3;39-б.] Чер ҳамда унинг уруғ-ужути хоҳлаган кишисидан (*Уттегин* ёки *Нипакдан*) бу аёлни зиён-заҳматсиз, пулини пенияси билан бирга етказиб беришни талаб қиласверсин. (9-10) Ва бу нома барча халқقا – шу уйда муқим яшовчиларга ва хонадон меҳмонларига бирдек тааллуқлидир. (10-12) Ва ҳужжат “Қонунлар уйида” унинг бошлиғи *Вахгўкон Вархуман* ўғли ҳузурида тузилди. (12-14) Бу ерда гувоҳ сифатида *Скатч Шишич* ўғли, *Чақушак Нанич* ўғли, *Чаҳрен Ромич* ўғли бор эди. (14-16) Уттегин буйруғига биноан *Ромтииш Вгашфарн* ўғли томонидан ёзилди. Тамом. *Чата* (учун тайёрланган) нусха”. [3;39-41б.]

Суғдшунос В.А. Лившиц Nov. 4. рақамли – куёвнинг келин ва унинг қариндошлари олдидағи мажбуриятларини типологик жиҳатдан 10 та бандаги ажратиб кўрсатган: [14;147-159-б.] 1) томонлар тавсифи ва санаси (Nov. 4. R. 1-7); 2). Эрнинг расмий мажбуриятлари (Nov. 4. R. 7-10); 3). Эр мажбуриятларининг кириш қисми (Nov. 4. R. 10-11); 4). Эрнинг мажбуриятлари: а) Хотинини қул сифатида сотмаслик ёки бошқа бирор йўл орқали унинг озодлигини чекламаслиги мажбурияти (Nov. 4. R. 11-12), б) хотинини таҳқирламаслик ёки ушбу ҳолатда уни васийсига қайтариш мажбурияти (Nov. 4. R. 12-15), в) Эр ва хотин ажрашгач (ташаббус ким томонидан бўлишидан қатъий назар), хотинини унинг васийсига қайтариш (Nov. 4. R. 15-19); 5). Агарда эр “в” бандни бажармаса, унинг васий олдидағи жавобгарлиги (Nov. 4. R. 19-V. 1); 6). Эрнинг васий олдидағи жавобгарлигини тасдиқлаш (Nov. 4. V. 1-5); 7). Васийнинг 5-6 бандларга мувофиқ эрдан кўрсатилган тўловни ундириш ҳуқуқи (Nov. 4. V. 5-9); 8). Барча халқнинг куёвни васий олдидағи жавобгарлигини назорат қилиши жавобгарлиги (Nov. 4. V. 9-10); 9). [17;26-б.]

Ҳужжат таҳлилидан маълум бўладики, ушбу никоҳ шартномаси 2 нусхада тузилган. “Чата (учун тайёрланган) нусха” мазмунидаги жумла шартноманинг иккинчи нусхаси келин (яъни, Чата) учун ёзилган. Муғ архивидаги никоҳ шартномаси ўзининг тузулиши жиҳатидан сосонийлар никоҳ шартномаларидан фарқ қиласи. Сосонийларнинг никоҳ шартномаларида келиннинг куёв олдидағи мажбуриятлари учраши бунга мисол бўлиши мумкин.[10;67-75-б.] Айниқса, фарзандларнинг эр ва хотин ажрашишидан кейинги тақдири масаласи “Сосонийлар ҳуқуқи” тизимида анчайин тафсилотлари билан берилган.[9;11-12-б.]

Лекин куёвнинг келин олдидағи шартлари Муғ архивида кенроқ ёритилгани билан аҳамиятли ҳисобланади. Жумладан, суғдшунос Ш.Шоёқубов куёвнинг келин томон олдидағи мажбуриятлари ёритилган Nov. 4. рақамли ҳужжатни таҳлил қилган ҳолда қўйидаги асосий масалаларни қайд этади: “ ... агар Чата (келин) мен билан қолишни ихтиёр қиласа, ёки мен ўзим уни қўйиб юборсам, уни сенга ва сенинг ўғилларингга ҳамда уруғингга соғлом, зиён-заҳматсиз етказиб бераман. Агар уни зиён-заҳматсиз топширмасам, у ҳолда 100 динорий драхм кумуш, муомалада амал қилиши тасдиқланган хилидан, яхши салангтан (тоза, сифатли) пул қарз бўламан, (қарзни) узаман ва сенга тўлайман. Шу пулни сенга тўламасам, у ҳолда 10 дирхамига 2 дирхамдан (20 %) устама тўлаш эвазига қарз сифатида сақлайман». Уттакин (куёв) ўғиллари ва уруғи билан Чернинг (келиннинг ҳомий отахони) ўзига ва ўғилларига шу шартлар ва 100 дирхам юзасидан лақаби Нивудак Вурз ўғлини жавобгар сифатида тайинлади (яъни агар Уттегин шартларни бажармаса Нивудак-Нипак Вурз ўғли Чер ва унинг ўғиллари олдида жавобгар бўлади, Уттегинни шартларни бажаришга мажбур қиласи). [17;65-97-

6.] “Чер ҳамда унинг уруфи хоҳлаган кишисидан бу аёлни зиён-заҳматсиз, пулини устамаси билан етказиб беришни талаб қиласверсин. Ва бу нома барча халққа-шу уйда муқим яшовчиларга ва хонадон меҳмонларига бирдек тааллуқлидир”. [13;72-74-б.]

Яна бир масала шуки, никоҳ шартномасида келтирилган турмуш қураётган күёв ва келин сүғдий ва туркий этнос вакиллари ҳисобланади. Бу ҳолат илк ўрта асрлар Сүғдда аралаш никоҳлар мавжудлигидан ҳам далолат беради. Қолаверса, туркийларда ҳам никоҳ муносабатлари сүғдийларники каби бўлган. Шунинг учун айтиш мумкинки, оила ва никоҳ қонун хужжатлари бир-бирини тўлдириб, шу даврдаги ягона хуқуқий манбалар тўпламини ва хуқуқий тизимни ташкил этган деб ҳисоблашимиз мумкин. Бу фикр фойдасига Хитой манбаларидан *Кан* (йилномаларда Самарқанд айни шаклда келтирилган) ҳақидаги қуийдаги маълумотни келтириш мумкин: “*Улар (Кан аҳолиси)нинг оила ва никоҳ ҳамда дағн маросимлари туркларницидан фарқ қилмаган*”. [1;271-б.] Туркий ва сүғдий аралаш никоҳ муносабатлари фақат оддий халқ ўртасида эмас, балки йирик зодагонлар ёки хукмдорлар даражасида ҳам бўлган. Сүғдшунос Б.Фойибовнинг хитой йилномаларига суюниб келтиришича, VI аср охирлари – VII аср бошлирида Турк хоқонлиги таҳти тепасида турган хоқонлар *Кан* (Самарқанд) хукмдорлари билан қалин алоқа ўрнатишга ҳаракат қилишган. Жумладан, Тарду хоқон (576 – 603) ўз қизини *Шифуби исмли*, Тун ябғу-хоқон (618 – 630) эса *Кюймучжи* исмли Самарқанд хукмдорига турмушга берганлиги хитой йилномаларида қайд этилади.[15;66-б.] Бу ҳолат Араблар истилосига қадар бўлган даврдаёқ турклар ва сүғдийлар ўртасида қонунчилик ҳамда урф-одатларда яқинлик, умумийлик шаклланганлигини кўрсатади.

Сүғдшунос Ш.Шоёқубовнинг Ў.Мансуровга суюниб келтиришича, никоҳ келишувининг анъанавий мусулмонча шаклида иштирок этувчилар одатда гувоҳ бўлувчилар, қизнинг вакил отаси сифатидаги шахс, йигитнинг қиз учун вакил отаси сифатидаги шахс, йигитнинг қиз учун ажратадиган мулкларини шаҳодат қилувчи вакил, никоҳ расмиятини бажо келтирувчи диний шахслар иштирок этадилар. Мазкур ҳолатда, қизнинг вакил отаси қиз томондан никоҳ келишуви ва унинг келгусидаги ҳолати учун жавобгар деб ҳисобланади. Йигит томон вакили эса күёв томонидан бериладиган мулк ва бошқа шартлар учун жавобгар ҳисобланади. [13;72-75-б.]

Ў.Мансуровга кўра эса, Дуғдғунчанинг Уттегинга никоҳланиши пайтида уни узатувчи томон белгилаган вакиллик ҳақида В.А.Лившицнинг холосаси нотўғри. Яъни, гўё келин Уттегинга тегмасдан аввал Навекат шаҳрининг ҳокими Чернинг ё жорияси ёки вориси бўлган деб кўрсатилади. Бу демак, худди собиқ эр мақомидаги шахс ўз хотини ёки орияиси турмушга бераётгандай гап. Бундай ҳолатнинг ижтимоий тарихий анъаналаримизда кузатилмаганлигини ҳисобга олиб, олим ҳужжатнинг бу бандига қуийдагича изоҳ беради: яъни, ҳужжат нашрларида Чер Дуғдғунчани узатаётган ҳомий сифатида ҳам, унинг эри сифатида сифатида кўрсатилади. Дуғдғунча гўё ўз ҳомийси ҳамда эри Чер томонидан Уттегинга хотинликка узатилаётгандек тушунтирилади. Турмушга берилаётган ҳимоядаги аёл (суғдча зинбаранч) Чата Чер ҳимоятидан барibir чиқмаган ва унинг учун Уттегин Чер олдида мажбуриятлар олиб, Nov. 4. Ҳужжатини ёздирган. Ў.Мансуровга кўра, суғдшунос В.А. Лившицнинг фикрлари таҳлил қилинса, бирорта ҳолда ҳам зин ўзагидан ясалган сўзлар “ҳимоядаги нарсалар”нинг дахлсизлигига зид эмас. [6;84-б.]

Ушбу фикрларни давом эттирган Ш.Шоёкубовнинг келтиришича, суғдча будданинг туғилиши ҳақидаги “Весантара Жатака” достонида чол қиёфасидаги улуғ илоғ бош қаҳрамон Судашаннинг хотинини ҳайру эҳсонга сўраб олгач, унинг саховати чексиз эканлигига ишонч ҳосил қиласи ва аёлни омонат сифатида асраб туриш учун Судашаннинг ёнида қолдира туриб: “бу аёлни сенинг хузурингда, ҳимоятингда қолдираман” дейди. Яна бир Суғд будда матнида “Зиних”, “хвали” сўзи борки, бу омонатга ҳиёнат қилувчи, омонатни еб қўювчи, деган маънони англатади. Демак, зинбаранч – “ҳимоятдаги аёл”ни Чернинг хотини бўлган дейиш қийин деган хulosага келган. [13;74-75б.]

Суғдшунослар М.Исҳоқов ва Б.Ғойибовлар зинбаранч сўзи таркибидаги анч ёки инч қўшимчасини аёллик жинсига мансублигини “паранжи” сўзи таркибидаги айни конпонент билан солиширишга ҳаракат қилишади. Уларга кўра, “паранжи” сўзининг морфологик таркиби уни арабча ёки уйғурча талқин қилишга имкон бермайди. Зоро, бу сўз икки қисмдан иборат: биринчи қисми *par-* [пар-]. Этимологик жиҳатдан *par-* > *upari*. Яъни, қадимги эроний, хусусан, қадимги форсий тилда *upari* – “устидаги”, “бирор нарсанинг устига ишорат” қилувчи олд кўмакчи маъносига эга. Бу кўмакчи биз таҳлил қилаётган “паранжи” сўзида шакллантирувчи компонент вазифасини ўтаган. Сўзининг иккинчи қисмидаги *-anc* [анж-] ўрта эроний тиллардан бири суғдий тилли ёзма ёдгорликларда икки хил орфографик шаклда: бири, *'ups*, иккинчиси, *unch* шаклида “аёл” маъносида Nov. З рақамли суғдийча ҳужжатда учрайди. *-ups* сўзи ёшга нисбатан аёл кишининг вояга етган босқичини кўзда тутади. Турмуш қурган босқичдаги аёл суғдий манбаларда *vathu(h)* [вадух] деб кўрсатилган. [3;45-б.] Бу сўздаги *-th-* олд қатор тиши оралиғи сирғалувчи товушдир. Бу товуш ҳозирги эроний тилларда *-d-* товушига мос келади. Сўз охиридаги *-h* грамматик аёллик жинсига ишорат қиласи. [5;73-79-б.]

Ушбу манзарани Nov. 3 ва Nov. 4. ҳужжатларига қиёслаш муҳим хulosаларга келишга имкон беради. Чиндан ҳам, “Чер ушбу ўринда Чатанинг отаси Вийус томонидан белгиланган вакил отадир”. Никоҳ битимидағи Чер бир вақтнинг ўзида келиннинг ҳам собиқ эра ва ҳам уни эрга берувчи томон бўлиши тарихий ҳақиқатга унчалик ҳам тўғри келмайди. Ваҳоланки, никоҳ шартномасида иккала томондан ҳам гувоҳликка ўтувчилар рўйхати келтирилган. Шунинг билан бирга ҳужжатнинг муҳим жиҳати мусулмонча никоҳда ҳам унинг бир қанча таркибий қисмларининг учраши ҳисобланади. Яъни, мусулмонча қоидалар асосида амалга оширилаётган никоҳларда ҳам ушбу суғдий ҳужжатдаги анъаналар аниқ акс этган. [6;85-б.] Турмуш қураётган иккала томоннинг ҳам никоҳ тузишга розилиги; тузилаётган никоҳ шартномасининг ваколатли тузилмада қайд этилиши; никоҳ шартномасини тузишда иккала томондан ҳам гувоҳларнинг қатнашиши ва бунинг қайд этилиши; куёвни ўз ёрини асраши ва уни моддий таъминлаши масаласи; келинни бўлажак турмуш ўртоғини ҳурмат қилиши ва унга бўйсуниши; гувоҳлардан ташқари келин ва куёвнинг ўз васийлари бўлиши каби бир қатор масалалар бугунги мусулмон никоҳида ҳам учрайдиган анъаналар ҳисобланиб, улар қадим маданиятимиздаги анъаналарнинг трансформациясидан дарак беради.

Никоҳ шартномасида қуллик ва ижтимоий қарамлик масалалари тўғрисида ҳам гап боради. Куёвнинг келин олдидаги мажбуриятлари акс этган Nov.4 рақамли ҳужжатда Уттегин ўзининг бўлажак хотини Чатани ҳомий отахони олдида юридик жавобгар сифатида уни қулликка тушурмасликка ваъда беради. Ҳужжатда - “(Чатани)

мен сотмайман, қарз эвазига қулликка ҳам бермайман, бирор кимсанинг ҳомийлигидағи ўз мулкига айланишига ҳам (йўл қўймайман)" [3;39-б.] деб келтирилган. Мазкур ҳолатлар ҳам иккала томон ҳам масаланинг ижтимоий-хуқуқий жиҳатларини тўлиқ англаған ҳолда никоҳга киришаётганликларини англатади.

Хуқуқшунос олим З.Муқимовнинг келтиришича, ушбу никоҳ шартномаси васийлик остидаги никоҳ шаклига киради. Чунки Уттегин никоҳни бекор қилса, Чатани унинг васийси бўлган Черга эсон-омон топшириши лозим. Мазкур никоҳ шартномасининг яна эътиборли жойи шундаки, унга асосан Суғд оила хуқуқида хотин билан эр тенг хукуқли юридик масъул шахслар деб қаралган. Шунингдек, VI-VIII асрдаги Суғд юридик-нотариал хужжатларида Турк хоқонлиги ва унинг таркибиға кирган Суғдда хуқуқнинг ривожланганлигини кўрсатади. VII асрларда бу ерда маҳсус суд-нотариал органлари мавжуд бўлиб, юридик хужжатлар гувоҳлар олдида ёзма шаклда тузилиб, муҳр билан тасдиқланган.[7;61-б.] Шунингдек, Суғддаги никоҳ ўзининг фуқаролик ҳолати далолатномаси сифатида, шартнома шаклида, давлатнинг маҳсус ташкилоти - қонуний ҳаракатларни содир этиш жойида тузилганлиги бу ерда оила ва никоҳ хуқуқи ривожланганлигидан далолат беради.[7;61-62-б.]

Олимнинг фикрларига кўра, Суғдда мавжуд бўлган "тўла хуқуқли никоҳ" худди Рим хуқуқидаги "Сине Ману" ("*sine manu*") никоҳи (эркак устивор бўлган, баъзи ҳолларда муайян мақсадлар қўзланган Қадимги Римдаги никоҳ шакли бўлиб, аёл ўзининг олдинги хўжайини хукмида қолган) [13;10-б] га ўхшаб кетади. Бундай никоҳ шакли ўша даврлардаги давлатлар: Рим ёки Суғдга қўпроқ яқин бўлган Сосонийлар Эронидан рецепция қилиниб олинган бўлиши мумкин.[7;61-б.] Сосонийлардаги никоҳ муносабатларининг ҳам баъзи жиҳатлари Рим никоҳ хуқуқига ўхшаб кетсада, улар ўртасида анча фарқлар мавжуд. Суғдий никоҳ эса сосонийларнидан ҳам анчайин фарқли бўлиб, маҳаллий шароитларга мослашган. Кейинчалик араблардаги мусулмон никоҳ хуқуқлари билан қоришиб, бугунги кундаги шаклга келган.

Никоҳ шартномасининг муҳим хусусиятларидан яна бири шуки, ҳужжатда никоҳга киришаётган йигит ва қизнинг қайси дин ёки миллат вакили эканлиги қайд этилмагани ҳам Суғд жамиятига хос толерантлик белгиси эди. Уттегин ва Дуғдғунча никоҳи азалий турк-суғд муносабатидаги бир кўриниш бўлиб, бу никоҳ учун на этник ва на диний мансублик монелик қилмаган.[8;61-62-б.] Бу эса Суғд жамиятидаги диний конфессиялараро ўзаро тушуниш ва эътироф руҳи хукмрон бўлганидан далолатdir.

Хулоса қилиб айтганда, никоҳ шартномасининг таҳлили илк ўрта асрлар Суғдда маҳкама ва девон хизматининг юқори даражада йўлга қўйилганлиги, никоҳнинг жамиятдаги алоҳида қадрият сифатида қаралганлиги, никоҳнинг мулкий муносабатлардаги ўрни, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, оила қуришда нафақат эр-хотин, балки унинг қариндошлари ҳам масъул ва жавобгар эканлиги, никоҳнинг гувоҳлар иштирокида тузилиши, ушбу ҳужжатнинг ваколатли ташкилот ҳузурида тузилиши ва ниҳоят Суғдда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш хуқуқий жиҳатдан юқори даражада йўлга қўйилганлиги ва турк-суғд муносабатларининг муҳим жиҳатларини кўрсатади.

**Адабиётлар/Литература/References:**

1. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Москва-Ленинград: Изд. АН СССР. Том II. 1950. С. 271.
2. Gershevitch I. The Sogdian word for 'advice', and some *Muy* documents // Central Asian Journal, 1962, №7. Р. 77-95
3. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. ... Б. 37
4. Исҳоқов М.М. Манбашунослик, тарихшунослик, тарихий, тадқиқот методлари мутахассислигининг назарий масалалари. Тошкент: ТДШИ, 2012. Б. 73.
5. Исҳоқов М., Гойибов Б. "Паранжи" нима? (бир кийим тарихидан) // Водийнома. 2019. №1 (12). Б. 9-12; Суғдий тилда аёллик жинси тўғрисида батафсил қаранг: Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. Oxford, 1954. I-X, 2-ed. Oxford, 1961. Р. 73-79.
6. Мансуров Ў. Суғд ёзма ёдгорликлари манбашунослиги масалалари: тарих фанлари номзоди диссертацияси. Тошкент: ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, 2004. Б. 84.
7. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Тошкент: Адолат, 2003. Б. 61
8. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент: ART-FLEX, 2010. Б. 50.
9. Периханян А.Г. Сасанидский судебник. "Книга тысячи судебных решений". (MĀTAKDĀNI HAZĀR DĀTASTĀN). Ереван: Издательство АН Армянской ССР, 1973. С. XIV-XV.
10. Периханян А.Г. Образец пехлевийского брачного контракта // Советская этнография. 1960, №5. С. 67-75.
11. Ртвеладзе Э.В., Сайдов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: Давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Тошкент: Адолат, 2001. Б. 229-230.
12. СДГМ II. С. 17-45; Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. Санкт-Петербург: Филологический факультет Санкт-Петербургского университета, 2008. С. 18-48.
13. Шоёқубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008. Б. 74
14. Якубович И.С. Проблемы согдийской этимологии: диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Москва, 2009. С. 146-158.
15. Гойибов Б. Суғд тарихидан лавҳалар. Самарқанд: СамДУ, 2020. Б. 66.
16. Каталог памятников согдийской письменности в Центральной Азии (Catalogue of sogdian writings in Central Asia). Составители: Б.Гойибов, П.Лурье, А.Бегматов, В.Распопова, Г.Бобоёров. Самарқанд: МИЦАИ, 2022. С. 111-112
17. Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Ленинград: Наука ЛО, 1969. С. 65-97
18. Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. Санкт-Петербург: Филологический факультет Санкт-Петербургского университета, 2008. С. 33
19. <https://studfile.net/preview/7017771/page:10>

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**Nº 9 (4) – 2024**

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
маъсулити чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).